**Ушбу сонда:**
2 КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ
3 МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

**26 декабр: сайловни очиқлик, ошкоралик, демократик руҳда, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказайлик**



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2004 йил 30 октябр, шанба № 173 (1806)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон — полвонлар юрти*

# ҚАДИМ КЕШДА КУРАШ БАЙРАМИ

Махсус мухбирларимиз Абдулҳай Юнусов ва Шавкат Султонов Шаҳрисабздан хабар қилади.

***Бугун гўзал ва кўҳна Шаҳрисабзда Президент соврини учун Амир Темур хотира турнири ҳамда кураш бўйича ёшлар ўртасида III жаҳон чемпионати баҳслари бошланди.***

Ўзбек кураши жаҳонга юз тутмоқда. Турли мамлакатларда бўлиб ўтаётган нуфузли турнирлар бунинг исботидир. Олимпиада ўйинлари сари дадил интилаётган кураш миллионларнинг севимли спорт турига айланди. Бугун дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатида кураш федерациялари фаолият кўрсатаяпти. Бу эса курашимизнинг ўзга юртларда ҳам кенг оммалашувига хизмат қилади.

Қадим Кешда ўтказилаётган кураш байрамига дунёнинг кўплаб мамлакатларидан кучли полвонлар ташриф буюрди. Биз юртимизга ташриф этган меҳмонлар билан суҳбатда бўлдик.

**Муҳаммад РИЗО, Халқаро Кураш Ассоциацияси ҳакамлар ҳайъати раиси.**

– Аввало кураш ватанида бундай нуфузли мусобақаларнинг ўтказилиши юртингизда спортга, хусусан, курашга бўлган юксак эътибордан далолатдир. Дунёнинг 38 мамлакатидан 115 дан ортиқ курашчилар ташриф буюрган ушбу турнир ва ёшлар ўртасида III жаҳон чемпионати баҳсларини бошқариб бориш учун «А», «В» тоифали малакали ҳакамлар таклиф этилган. Ўйлайманки, ҳакамларимиз ўз олдиларига қўйган масъулиятли вазифани шараф билан адо этадилар.

**Муҳаммад ЮСУФ Абдурашид ўғли, афғонистонлик полвон:**

– Бу ерлар бизга жуда ёқди. Айниқса, Шаҳрисабз халқи ўта меҳмондўстлиги билан бизни лол қолдирди. Биринчи марта кураш чемпионатида қатнашиш учун биз, бир гуруҳ ёш полвонлар юртингизга ташриф буюрдик. Юртингизда Президентингиз томонидан олиб борилаётган эзгу ишларни кўриб, тўғриси, қойил қолдик. Бизнинг юртимизда ҳам бир кун келиб шундай ободликлар бўлишини чин кўнгилдан ният қилдик.

**Акбар ЖАББОРОВ, Туркманистон Республикаси Лебоб вилояти:**

– Кўпдан буён Шаҳрисабзга келишни орзу қилардим. Буюк соҳибқирон Амир Темур туғилган юртда биринчи маротаба бўлишим. Кураш сабаб кўпгина тарихий обидалар билан танишдим. Салобатли Амир Темур ҳайкали ва унга туташ бўлган «Оқсарой» хиёбонидаги анвойи гуллар ҳар қандай киши кайфиятини кўтаради. Хусусан, Шаҳрисабзнинг тоза ва озодалиги, одамларнинг ширинсўзлиги лол қолдирди.

Биз ёшлар ўртасида III жаҳон биринчилиги баҳсларида иштирок этиш учун иқтидорли ёш полвонлар билан келганмиз. 2001 йилда Твер шаҳрида ўтказилган кураш мусобақаларида иштирок этиб, учинчи ўринга сазовор бўлган Руслан Жеппаров, Нукус шаҳридаги турнирда иштирок этган Анна Мавлоновалардан умидимиз катта.

Катта кураш байрамида иштирок этаётган полвонларга омад тилайман.

**Бўритош МУСТАФОЕВ, Марказий сайлов комиссияси Раиси**

# ОЧИҚ ВА ОШКОРА

16) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

17) қонунларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Участка сайлов комиссияси сайловга камида қирқ кун қолганида беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси:

1) участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

3) сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади;

4) аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;

5) овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

9) қонунларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келган тақдирда ваколатларидан маҳрум этилади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Депутатликка номзодлар сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

Сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туришлари шарт.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмалари органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, улар комиссия томонидан қўйилган масалани кўпи билан уч кун ичида кўриб чиқишлари ва сайлов комиссиясига жавоб қайтаришлари шарт.

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

(Давоми 2-бетда)

## АВТОМОБИЛ ФИЛЬТРИ ЎЗИМИЗДАН

Мамлакатимизда айни пайтда турли русумдаги бир миллионга яқин автомобил бор. Улар учун ҳар йили салкам 12 миллион АҚШ доллари миқдоридаги автомобил фильтри импорт қилинар эди. Эндиликда «Компрессор» очиқ акциядорлик жамияти мижозларга нисбатан арзон ва сифатли бундай эҳтиёт қисмни кўплаб миқдорда етказиб бера бошлади.

Бунда Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 14 январда қабул қилган «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор муҳим омил бўлаётир.

Корхона аҳли 2005 йилда маҳаллий хомашё асосида 85 минг донадан зиёд фильтр тайёрлашни мўлжаллаган. Бу эса айни турдаги маҳсулот импортини кескин камайтиради.

## «МАДЕЛИ» БИРИНЧИ

Мўйноқ туманидаги маҳалла ёшлари ўртасида волейбол мусобақаси ўтказилди. Унда саккиз жамоа ўз маҳалласи шаъни учун курашди. «Мадели» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

**(ЎзА)**



Амударё туманидаги «Юлдуз» пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишловчиларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига катта эътибор қаратилмоқда. Натижада иш унуми ва сифати ортиб бораётир.

**Суратда: илғор ишчи Раъно Саитова.**
**И.ҲАСАНОВ олган сурат**

*«Ишонч» бонг уради*

# СУВГА ОҚИЗИЛАЁТГАН МИЛЛИОНЛАР

***1978 йили «Ғалаба» ширкат хўжалиги ҳудудида қурилган вилоятдаги энг йирик тозалаш станциясининг қуввати суткасига 80 минг кубометр оқава сувни тозалашга етарди. Бу ерда Урганч шаҳри ва тумани, Хонқа, Шовот, Янгибозор туманларидан келган оқава сувлар тозаланиши мўлжалланган эди.***

Ўша даврдаги раҳбарларнинг айби билан станцияга Шовот, Янгибозор, Хонқа туманларидан оқава олиб келиш қувурлари ётқизилмасдан қолиб кетди. Хонқа туманида пайдо бўладиган оқава сувлар вақтинча «Хонқа-дон» ҳиссадорлик жамияти тозалаш станциясига буриб юборилди ва шу ҳолича унутиб юборилди. Мазкур станцияга Урганч шаҳри ва туманидан келаётган оқава сув қувурларигина уланди. Станция самарадорлигини ошириш лойиҳаси аллақачон тайёр бўлишига қарамасдан вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси маблағ йўқлигини рўкач қилиб, уни ҳаётга татбиқ этишни пайсалга солиб келмоқда. Бунинг оқибатида Урганч туманининг катта қисми, Шовот, Янгибозор туманларидаги шифохоналар, ишлаб чиқариш корхоналари, кўп қаватли уйлар ва бошқа жойларда пайдо бўлган оқава сувлар тозаланмасдан, шундоқ ҳам оғир аҳволда бўлган табиатга тузатиб бўлмас зарар етказмоқда.

Ҳазорасп, Боғот, Гурлан, Қўшкўпир, Янгиариқ туманларида аҳвол янада аянчли. Қўшкўпир туманидаги пахта тозалаш заводи ва марказий шифохона тасарруфидаги мавжуд тозалаш иншоотлари аллақачон йўқ бўлиб кетган. Айни пайтда туманда бирорта ҳам тозалаш станцияси йўқ. Янгиариқ тумани марказида эса ҳеч қачон бунингдек иншоот қурилмаган.

Урганч оқава сув тозалаш станцияси ишга тушгандан буён унинг самарали ишлаши учун тегишли ташкилотлар томонидан бирор марта ҳам капитал маблағ ажратилмаган. Натижада станциянинг ҳозирги пайтда мавжуд икки блокидан биттасигина аранг ишлаб, суткасига 40 минг кубометр ўрнига 17 минг кубометр оқава сувни тозаламоқда. Станциянинг лойиҳа бўйича қуввати 42 фоизга тўлдирилган холос.

Бу ерда жиддий муаммолар керагича. Масалан, оқава сувни тозалашдан ҳосил бўлган чўкиндиларни кислородга бойитиб, қуритиб берадиган иншоотлар ишга туширилмаган, чўкинди майдонларига дренаж қувурлари ётқизилмаган. Шунингдек, блокдаги техник носозликларнинг мавжудлиги, 6 та ҳаво берувчи насослардан баъзан биттаси ҳам ишламасдан келганлиги, электр энергиясининг тез-тез узилиб туриши станциянинг самарали ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг тўртинчи чорагида 5 та асосий ифлослантирувчи моддаларнинг тозалаш станциясига келиб тушган умумий миқдори ҳар бир литр сувда 3800 миллиграммни ташкил қилган. Тозалаш иншоотларида 298 миллиграмм ифлослантирувчи моддалар ушлаб қолинган. Қолгани Чаккакўл зоврига оқизилган. Бунга Хива ва Питнак шаҳар станцияларидан чиқадиган ўғит миқдорини қўшсак, рақамлар янада ташвишли тус олади. Станцияга келиб тушаётган ифлослантирувчи моддалар аслида қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган азот, фосфор, калий элементлари ва бир қанча микроэлементлардир. Шундан келиб чиқиб станциянинг иш самарадорлиги 8 фоиздан 100 фоизга кўтарилганда қанчалик маҳаллий ўғит тўпланишини, шаҳар ва туманларда оқава тозалаш станцияларини ишлатиш қанчадан-қанча даромад келтиришини тасаввур қилиш қийин эмас. Бунда, биринчидан, атроф-муҳит мусаффолиги таъминланиб, экология яхшиланади, иккинчидан, беҳисоб ўткир маҳаллий ўғитлар тўпланишига эришилади. Бу эса вилоятда бутун бир бошли ўғит заводи қурилгани билан баробардир.

Вилоятда оқава сув қувурлари муаммоси ҳам мавжуд. Қурилиш меъёри ва қоидаларига биноан Урганч шаҳрида асосан тўрт йўналишда босимли оқава сув қувури мунтазам ишлаб туриши керак эди. Лекин ҳозирча фақат битта босимли қувур ишлаб келмоқда. Мабодо ушбу қувур ёрилиб кетгудай бўлса катта ташвиш туғдиради.

Урганч туман марказий шифохонаси ва кўп қаватли турар-жойлардан чиқаётган оқава сувлар тозаланмасдан тўғридан-тўғри Чаккакўл зоврига қуюлмоқда. Ваҳоланки, бу оқава сувларни туман марказий оқава сув ҳайдаш станциясига улаш имконияти мавжуд.

Питнак қишлоқ шифохонасидан тозалаш станциясигача икки йўналишдан иборат босимли қувурлар ва оқава сув ҳайдаш станцияси мавжудлигига қарамай, муҳим ишга ҳамон панжа орасидан қараб келинмоқда. Гурлан туман марказий шифохонасидаги оқава сувларни тозалаш станцияси умуман самарасиз ишламоқда. Шовот туман марказий шифохонасининг оқава сувлари тозаланмасдан зовурга ташланмоқда. Урганч шаҳридаги юқумли касалликлар шифохонасидан чиқадиган оқава сувлар зарарсизлантирилмасдан шаҳар канализация тармоқларига қўшилиб кетмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари ўзлари бу ишга масъул бўла туриб, эпидемия ҳолати пайдо бўлишига томошабин бўлиб туришлари кишини ажаблантиради.

Питнак шаҳрида муаммолар бундан ҳам кўп. Питнак шаҳар оқава сувларни ҳайдаш бош станциясидан Янги ёп каналигача қувурлар мавжуд. Янги ёп каналидан эса тозалаш станциясигача умуман оқава сув қувурлари йўқ.

Лойиҳа бўйича шаҳар, Шакар заводи, Автомобил ишлаб чиқариш бирлашмаси, Питнак шифохонасидан алоҳида қувурлар орқали оқава сувларни тозалаш станциясига ташлаш режалаштирилган. Ҳозирги кунда Питнак шаҳрининг оқава сувлари Шакар заводи қувурларига ўзбошимчалик билан улаб қўйилганига нима дейсиз? Учта насос бир қувурга оқава сувларни ҳайдайди. Бинобарин, шунча насос учун 6 та қувур бўлиши керак. Қувурлардан фойдалангани учун «Сувоқава» корхонаси Шакар заводига пул тўлаши лозим. Лекин мазкур ташкилот раҳбарлари буни хаёлига ҳам келтирмайди. Шунингдек, вилоят 2-сон ва Урганч туман марказий шифохоналари, кўп қаватли турар-жойлардан чиқадиган оқава сувлар зовурларга ташланмоқда. Лекин «Сувоқава» ташкилотлари уларни тозаламасдан қилмаган ишлари учун ҳақ ундириб келаётганига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Хива шаҳридаги эски тозалаш станциясидан янгисигача, «Сувоқава» корхонасида ҳамда «Хива гилами» ҳиссадорлик жамиятида 1 та босимли қувур қурилган холос. Аслида қувурлар сони иккитадан кам бўлмаслиги керак. Босимли қувурларнинг қум барханлари устидан ўтганлиги қум кўчиши натижасида уларни тез яроқсиз ҳолга келишига, носозликларга олиб келмоқда.

Ушбу ҳолатлар юзасидан табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари томонидан айбдор шахсларга бир неча марта ёзма топшириқлар берилди, маъмурий чоралар кўрилди. Лекин ҳамон эски тос, эски ҳаммом. Боқибеғамлик ҳам эви билан-да! 2000-2005 йилларга мўлжалланган вилоят дастурига оқава сув муаммоси билан боғлиқ тадбирлар киритилган эди. Шунга қарамасдан, долзарб вазифалар вилоят «Сувоқава» ҳиссадорлик жамияти ва ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси томонидан бажарилмай келинмоқда.

Воҳада бу борада ташвишли аҳволнинг вужудга келишига айрим раҳбарларнинг хўжасизларча иш юритиши, масъулиятсизлиги сабаб бўлаётир. Бу аччиқ ҳақиқат қанчалик тез англаб етилса, шунча яхши.

**Э.РАЖАБОВ, Хоразм вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бош мутахассиси, Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

**Акмал САИДОВ, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари**

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ – САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ СУБЪЕКТИ

**Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари – бевосита демократиянинг намоён бўлиши**

Маълумки, демократиянинг икки «бевосита демократия» ва «билвосита демократия» – тури мавжуд бўлиб, билвосита демократия фуқаролар ўз вакиллари орқали давлат ва жамият бошқарувида қатнашса, бевосита демократия эса фуқаро шахсан ўзи қатнашади. Сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузиш билан фуқаролар давлат вакиллик органларини шакллантиришда бевосита – тўғридан-тўғри иштирок этадилар, яъни бевосита демократия тамойили яққол намоён бўлади.

Ҳозирги кунги сайловчи истиқлолга қадар бўлган, ҳатто беш йил бурунги сайловчидан фарқ қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотлар натижасида сайловчининг сиёсий фаоллиги ошиб, у чинакамига танлаш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятига эга. Сайловчилар нафақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар, айни вақтда бевосита фуқаролар томонидан танланиб, саралаб кўрсатилган номзодларга ҳам овоз беришлари мумкин.

Хўш, ушбу янгиликнинг пайдо бўлиш сабаблари нимада?

**Аввал**амбор, бу истиқлол шарофати билан мамлакатимизда сайловларнинг эркин ва демократик усуллар билан олиб борилаётганлиги мевасидир. Шу билан бирга вакиллик органларига номзодлар кўрсатишнинг сайловчилар учун партия номзодларига муқобил номзодлар кўрсатиш ҳамда сайлаш имкониятининг берилганидир. Бу – бевосита демократиянинг амалда намоён бўлишидир.

**Иккинчидан**, ушбу янгилик халқаро сайлов ҳуқуқи стандартларига ва умуминсоний демократик қадриятларга тўла мос келади.

**Учинчидан**, бу усул Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан эркин ва демократик сайловларга қўйиладиган халқаро талабларга тўла жавоб беради.

**Тўртинчидан**, бу Шарқона демократик миллий институт бўлмиш маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш анъаналарига ҳамоҳангдир.

**Бешинчидан**, буни мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги муҳим амалий қадамлардан деб ҳисоблаш мумкин.

Жаҳон сайлов тажрибасида ибратли, халқ оммаси вакилларини парламентга кўпроқ жалб этишни, давлатни бевосита бошқаришда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш Ўзбекистонда ўзига хос халқчил демократиянинг чуқурлашиб бораётганини кўрсатувчи кўзгудир.

Мустақил номзодларнинг кучли, адолатли, халқчил, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти каттадир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонунларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи берилганлигидир. Бу сайлов амалиётимиздаги муҳим ижобий ҳол бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига сазовордир.

Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси «Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзод кўрсатиш» деб номланган. Ушбу модда билан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишнинг яна бир имконияти мустақил номзодларни кўрсатиш ва сайлаш ҳуқуқи кафолатланади.

(Давоми 2-бетда)

# КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ОЧИҚ ВА ОШКОРА

(Боши 1-бетда)

Округ ва участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар. Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди.

Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади. Сиёсий партиялар депутатликка бир юз йигирма нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал этадилар.

Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

...Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги округ сайлов комиссияси томонидан текширилади. Сайлов комиссиялари имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзолар сохталаштирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ депутатликка номзод этиб кўрсатилган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида тегишли округ сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилади.

Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан сайловолди ташвиқоти бошланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратишлари, депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга. Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан яшаш жойига қайтишда ана шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тугатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Депутатликка номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли. Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

(Давоми бор)

> **Сайлов кампанияси мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамиятга молик муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади. Бу демократия нуқтаи-назаридан жойлардаги энг муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда фуқароларнинг фаол иштирок этишини таъминлайди. Шу билан бирга, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизни янада эркинлаштириш, фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришнинг муҳим босқичи бўлиб қолади.**

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ – САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ СУБЪЕКТИ

(Боши 1-бетда)

Сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи сайловчилар ташаббускор гуруҳи орқали Олий Мажлис ёки маҳаллий вакиллик органларига депутатликка ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Номзодлар қуйидаги тартибда кўрсатилади.

**Биринчидан,** Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар, маҳаллий вакиллик органлари учун эса юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузишлари керак. Ушбу гуруҳ томонидан кўрсатилган номзод мустақил номзод ҳисобланади.

**Иккинчидан,** сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Бугун сайловчилар ташаббускор гуруҳи аризасига қуйидагилар илова қилинади:

1. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат;
2. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози;
3. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва баённомаси, унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

**Учинчидан,** округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунлари талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

**Тўртинчидан,** округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин гуруҳнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкаларини беради.

Агар округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олишни рад этган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради.

**Бешинчидан,** сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли бўлади. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

**Олтинчидан,** депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

**Еттинчидан,** имзо варақалари шаклини Марказий сайлов комиссияси белгилайди. Имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

**Саккизинчидан,** сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақлидир. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйилган санани кўрсатади.

**Тўққизинчидан,** имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг имзо тўплаган аъзоси, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

**Ўнинчидан,** сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**Ўн биринчидан,** имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади.

**Ўн иккинчидан,** округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кунлик муддат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади.

**Мустақил номзодлар - сайлов жараёнининг тенг ҳуқуқли субъекти.** Вакиллик органларига номзод кўрсатишнинг ушбу усулининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, мустақил номзодларнинг бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилиши, уларнинг кенг жамоатчиликка яхши танишлиги, халқ ичидан чиққанлиги ва элга яқинлигидир. Фуқаролар ўз маҳаллалари, мавзелари ва туманларининг таниқли, обрў-эътиборли ва ишончли кишиларини ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун номзод сифатида кўрсатиш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистон аҳолисининг аксарияти сиёсий партияларга аъзо эмаслар. Аҳолининг яна бир қисми нодавлат нотижорат ташкилотлари тузиб, маърифат, маънавият, илм, яратувчилик билан банд - уларнинг ҳам катта қисми партиясиздир. Ва, бундай аҳоли ҳозирги шароитда аксарият кўпчиликни ташкил этиб, улар сиёсий фаолиятдан - давлат бошқарувида иштирок этишдан четда қолишлари керак эмас.

Бир сўз билан айтганда, ҳокимиятга даъвогар бўлган партиялардан ташқари, жамиятнинг бошқа қатламлари ҳам давлат бошқарувида бевосита иштирок этиши адолатли ҳаракатдир. На касбу кори, на миллий маҳдудлиги билан чегараланмаган, халқ, Ватанни ўйлаб, умуминсоний талаблар, одамийлик бурчи ва масъулияти буюрган вазифасидан келиб чиқадиган номзодлар, мустақил, халқ номзодларидир.

1999 йилги парламент сайловлари шуни кўрсатдики, мустақил номзодларнинг аксариятлари сайловларда қатнашиш тажрибасига эга эмаслигидир. Уларнинг етарли даражада йўлга қўйилган сайлов кампаниясини ўтказиш механизмлари ҳам йўқ. Сиёсий партиялар бу борада улардан устундирлар. Мустақил номзодларнинг аксарияти сиёсат билан яқиндан ва тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаганликлари уларнинг профессионал сиёсатчилар билан рақобатлашиш ва кейинчалик парламентда ўз манфаатларини қатъийлик билан ҳимоя қила олишларини анча қийинлаштиради.

Мустақил номзодларнинг ижтимоий базаси – кенг халқ оммасидир, улар бевосита халққа таянади. Уларни неча йиллар синаган, феъл-атворини билган, шажарасидан хабардор кишилар орасидан, нималарга қодирлиги, эл-юрт манфаати нимаю, ўз манфаати нималигини яхши билган, кўпнинг манфаатини юксак қадрлаган кишилар орасидан танлаб олиш имкониятига эга бўлдик.

Яна бир хусусият, бу мустақил номзодларнинг сайловларни ўтказиш жараёнида биринчилардан бўлиб сайловчилар билан мулоқотда бўлишидир.

(Давоми бор)

*«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиблари*

## СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ



Сиёсий шарҳловчи деганда аввало кўз ўнгимизда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати, унинг олижаноб мақсадларини таҳлилий асосда ёритиб берувчи, давлатимиз раҳбарининг олам тинчлиги ва одамлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқлар ҳамкорлиги-ю, Марказий Осиёда осойишталик барқарорлигини таъминлаш йўлидаги таклифларининг аҳамиятини оммага чуқур тушунтириб берувчи, халқимизни дунёнинг энг сўнгги янгиликларидан бохабар этувчи инсон намоён бўлади. У тинмай изланиши, матбуот саҳифаларини, эфир янгиликларини мунтазам кузатиб, тинглаб бориши, дунёдаги ҳар бир янгиликдан вақтида воқиф бўлиши керак. Мана 40 йилдан ошдики, сиёсий шарҳловчи Талъат Солиев бу масъулиятли вазифани муваффақиятли адо этиб келмоқда. Ўтган йиллар унинг учун том маънода изланиш, шаклланиш ва ўзига хос ютуқлар даври бўлди. Ўз устида тинмай ишлаган, изланган, сўз усталарининг мактабини ўтаган Т.Солиев шарҳловчиликнинг ўзига хос нозик томонларини пухта эгаллашга интилди. Вақт ўтиши билан у қайнаб-жўшиб ишлайдиган энг яхши сиёсий шарҳловчилардан бирига айланди.

Ўзбекистон телевидениеси эфири тўлқинларида шарҳловчи сифатида шаклланган ҳамкасбимиз Республикамизнинг марказий газеталарига ўз йўналиши бўйича долзарб мавзуларда мақолалар ёза бошлади. Яхши эслаймиз, унинг қаламига мансуб «Америка ва ҳозирги дунё», «Яқин Шарқ тинчлиги – олам тинчлиги» каби мавзулардаги туркум чиқишлари кенг жамоатчилик эътиборини тортди. Буларнинг ҳаммаси шарҳловчининг қаламини чархлади, маҳорат ва иқтидорини шакллантирди.

Узоқ йиллардан буён Ўзбекистон радиосида фаолият юритиб келаётган сиёсий шарҳловчининг «Етти кун нафаси», «Дунё», «Оқшом тўлқинларида», «Жаҳон шарҳловчи нигоҳида», «Ахборот», «Халқаро кундалик» сингари дастурлардаги чиқишларида одамларни ўйлантираётган, кўпнинг диққат-эътиборидаги муҳим воқеаларни шарҳлаб беради, энг сўнгги янгиликлардан республикамиз аҳлини бохабар қилади. Қайси бир суҳбатларимизнинг бирида таниқли сўз усталаридан бири: иқтидорли журналист Талъат Солиев ўзининг шарҳлари, матбуотдаги чиқишлари билан тинчликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаяпти, дея эътироф этганида кўп бора ҳақ эди.

Инсон билими, тафаккури, дунёқараши ижтимоий борлиққа қараб шаклланади. Бунда радио эшиттириш, телекўрсатув, газета ва журналларнинг аҳамияти катта. Ўзбек халқаро журналистикасининг ўзига хос ҳақчил ва равон услубда шаклланиб бориши эса айни шу эшиттириш, кўрсатув ва нашрлардаги чиқишларни тайёрлаётган журналистларнинг маҳоратига, салоҳиятига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон осмонида мустақиллик қуёши порлаши билан мамлакатимизнинг серқирра дипломатик фаолиятини, тинчликсевар ташқи сиёсатини ҳозиржавоблик билан шарҳлаб келаётган сўз усталари орасида шубҳасиз Талъат Солиевнинг ҳам муносиб ўрни бор.

– Касбим билан фахрланаман, ўзимни бахтли инсон деб биламан, – дейди сиёсий шарҳловчи. – Ўғил-қизларим омонлиги-ю оёққа туриб олганликларидан кўнглим тўлиб юрса, шунинг ўзи катта бахт, омад эмасми!

Ҳамкасбимиз дилкаш инсон, ҳар бир хизмат сафаридан унумли фойдаланадиган ижодкордир. Марокаш, Туркия, Италия, Мальта, Жазоир, Сенегал, Ҳиндистон, Покистон, Канар ороллари, Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида хизмат сафарида бўлиб, ушбу мамлакатларнинг ўзига хос томонлари, одамлари ва уларнинг орзу-интилишлари ҳақида туркум мақолалар ёзди, эшиттиришлар тайёрлади. Сиёсий шарҳловчи Талъат Солиев бугунги кунда ҳам одатдагидек ёниб-жўшиб ишламоқда. Кўп йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланган. Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра сиёсий шарҳловчи Талъат Солиев «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

*Касаба уюшма тадбири*



## ТИЛ - МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 15 йиллигига бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди.***

Тадбирга тилшунос олимлар, шоирлар таклиф этилдилар. Хусусан филология фанлари доктори, профессор Абди Маматов, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, тилимизнинг луғат бойлиги ҳақида кенг тушунча бердилар.

- Мана ўн беш йилдирки Ватанимизда ўзбек тили - давлат тили. Бунга биз осонликча эришганимиз йўқ, - дейди халқимиз севган шоир Нормурод Нарзуллаев. - Республикамиз ҳали мустақил бўлмай туриб, ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш осон иш эмас эди. Бунга Юртбошимизнинг кучли салоҳияти билангина эришдик.

Дарҳақиқат, тил-миллат қалби. У юксак маънавият ва ўзликни англаш белгиси ҳамдир. Милий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини фуқаролар онгига сингдиришда ҳам она тилининг ўрни ўзгачадир.

Шу ўринда ўзбек тилининг софлигини сақлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз.

Тил - миллат кўзгусидир. Шундай экан ҳар биримиз тилимиз равонлигини сақлаш, асраб-авайлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни ҳар куни, ҳар доим амалга оширишиз даркор. Зеро, тил инсонга берилган энг олий неъматлардан биридир. Ҳар бир миллатни дунёга танитадиган, камолини, илм-маърифатини ўлчайдиган адолат тарозуси ҳам унинг она тилидир.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят Кенгаши, тармоқ касаба уюшма қўмиталари мутахассислари ҳамда фаоллари иштирок этдилар. Кўтаринки руҳда ўтган тадбир шеърхонлик ва мумтоз қўшиқлар ижроси билан сайқал топди.

**М.ЎРМОНБЕКОВА**
**ЎзКУФК матбуот котиби**

***Конимех туманидаги Шўртепа қишлоғининг икки мингга яқин аҳолиси тоза ичимлик сув ташвишидан қутулди.***

## ШЎРТЕПА СУВГА СЕРОБ

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан қишлоққа Дамхўжа-Навоий-Бухоро йўналишидаги йирик сув иншоотидан қувур орқали оби ҳаёт келтирилди.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида туманда 11 чақирим масофага сув қувури ётқизилди. Йил охирига қадар яна уч қишлоқни тоза ичимлик сув билан таъминлаш режалаштирилган.

## ЭҲТИРОМ

Тошкент вилояти Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 15 йил тўлиши муносабати билан вилоят педагог-ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти ҳамкорлигида «Тилни севиш – Ватанни севиш демакдир» дея номланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Ушбу тадбирда вилоят, туман ва шаҳар методик маркази услубчилари, Ўзбекистон Миллий университети профессори Ё.Тожиев ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Институт тингловчилари томонидан тайёрланган театрлаштирилган саҳна асарларидан парчалар кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Қолаверса, вилоят миқёсида, барча туман, шаҳар таълим муассасаларида ҳам «Она тилим – жону дилим», «Тилга эътибор – элга эътибор», «Тил – дил кўзгуси» мавзуларида ҳам турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

**Р.ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Ислом КАРИМОВ:**

***Ҳар қайси миллат ва халқ учун муқаддас саждагоҳ бўлмиш она Ватанни қадрлаш, унинг эркинлиги ва озодлигини ҳимоялаш, бу йўлда, керак бўлса, жон фидо қилиш — шу юртнинг жасур ўғлонлари, ўзини эр йигит деб биладиган инсонлар учун қадим-қадимдан ор-номус ва мардлик белгиси бўлиб келган.***

# ҚАЛҚОН БОР, ҚАЛЪА БУТ, ҚЎРҒОН САЛОМАТ

## ТЕСТ СИНОВИ

### ундан ўтиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди

***Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 сентябрдаги қарорига мувофиқ, жойлардаги чақирув-йиғин пунктларида йигитларни Қуролли Кучлар сафига юбориш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.***

Туманимизда 2004 йил кузги чақирув мавсумини муваффақиятли ўтказиш мақсадида ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар аввало тест топширишади. Яъни, соғлиғи, маълумоти, билим савияси, оилавий аҳволи, руҳий ва жисмоний чиниқиши бўйича катта балл тўплаганлар ҳарбий хизматга ярокли ҳисобланади.

Чақирув комиссияси томонидан ҳарбий хизматга ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват йигитларни юборишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада туман ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар яхши самара берди. Бундан ташқари, чақириққача тайёрлаш бўлинмаси бошлиғи, майор З.Сагидов ва бошқа ходимларимиз туман маҳаллаларида, ўқув муассасаларида бўлиб, ота-оналар ва ёшлар билан ҳарбий хизматнинг афзалликлари ҳақида мунтазам суҳбатлар ўтказиб боришяпти. Бунинг самараси ўлароқ, ёшларимизда ҳарбий хизматга бўлган қизиқиш, Ватанга муҳаббат туйғуси шаклланиб бормоқда.

Бу йилги чақириқ жараёнида жуда кўплаб йигитлар тест синовларидан муваффақиятли ўтиб ҳарбий хизматга жўнаб кетишди. Ушбу жараёнда чақирув бўлинмаси ходимлари ҳамда шифокорларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндошишлари кузги чақирувнинг самарали ўтишини таъминлайди.

Ишонамизки, Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда. Қасамига содиқ аскар ҳар қандай вазиятда сидқидилдан хизмат бурчини адо этиб, ёруғ юз билан яқинлари бағрига қайтади.

**Эркин ОБИДОВ,**
**Шовот тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник**

## САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИ

Шаҳбоз Солиев машҳур спортчи. Айни кунда у Тойлоқдаги республика Олимпия заҳиралари билим юртида мураббий. Спортнинг самбо тури бўйича 1995-1997 йилларда республика, 1996 йилда Осиё чемпиони бўлган. Турон якка кураши бўйича ҳам республикада биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаган. Сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилиб қайтган Шаҳбоз бугун ушбу бир ойлик йиғин борасида тўлқинланиб гапиради.

– Ўзим олий маълумотли педагог-мураббий бўлганим учун ойлик йиғин машғулотлари бошланган пайтда устоз-офицерлар, сержантларнинг машғулот ўтказиш тартибига, сифатига диққат билан эътибор бердим, – дейди Шоҳбоз Солиев. – Йиғинга ҳақиқатан ҳам ўз соҳасининг устаси бўлган ҳарбийлар жалб этилган экан. Маълумки, ҳарбийда жисмоний тайёргарликка катта эътибор берилади. Бунда спортда анча чиниққанлигим янада қўл келди. Ҳатто менга машғулотларда мураббийлик қилишдек вазифа ишониб топширилди. Қисқа муддат ичида кўплаб сафдошларимда спортга қизиқиш уйғотишга эришдим. Йиғин давомида яна шу нарсага амин бўлдимки, ҳарбийликда ҳам худди спортдагидек доимий машқлар, тиришқоқлик, руҳий, маънавий тайёргарлик муҳим ўрин тутар экан.

– Сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизматга жалб этилганимда бир ой ичида нимани ҳам ўрганардим, деган хаёлда эдим. Йиғин давомида фикрим мутлақо ўзгарди. Бугун нафақат сафда юриш, балки жисмоний, ижтимоий-сиёсий, ўқ отиш, разведка, муҳандислик, ҳарбий-тиббий тайёргарликлар бўйича ҳам кўникмага эга бўлдим, – дея суҳбатга қўшилади савдо ходими Иброҳим Иброҳимов.

Йигитларнинг гапида жон бор. Ҳақиқатан, қисқа муддат бўлса-да, сафарбарлик чақируви резервининг фойдали жиҳатлари кўп.

Ғайрат Алмаметов ҳам спорт усталигига номзод, Олимпия заҳиралари билим юртини битирган, курашнинг юнон-рум тури бўйича ёшлар ўртасида республика чемпионати ғолиби. Сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилаётганидан хурсанд.

Ушбу хизматнинг афзаллик томонлари биз билгандан ҳам кўпроқ экан, – дейди у. – Энди мен аскарлик қанчалар машаққатли бўлиши билан биргаликда йигит киши учун шунчалар шарафли эканлигини ҳам англаб етдим.

Ҳарбийлик азалдан ўғлонлар учун шараф бўлиб келган. Бугунги кунда эса ҳарбий хизматда тобланиш, юрт корига ярайдиган инсон бўлиб етишиш ҳар бир йигитнинг мақсадига айланиб бораётгани қувонарли ҳолдир.

**Н.АЗИМОВ,**
**майор**





## "ЖАСОРАТ" МЕДАЛИГА МУНОСИБ КЎРИЛДИ

Президентимиз - Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов шундай таъкидлагандилар: «Агарки мендан, янги армиянинг эски армиядан фарқи нимада, деб сўраса, ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилаётган мутлақ принципиал ўзгариш, мақсад ва вазифалар билан бир қаторда, Қуролли Кучларимизда ҳукм сураётган соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, машаққатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ва эҳтиромда, деб айтган бўлардим». Юртбошимизнинг ушбу сўзларининг мазмун-моҳиятига чуқурроқ ёндошадиган бўлсак, бугунги миллий армиямизнинг қиёфаси яққол кўз олдимизда намоён бўлади.

Қуролли Кучларимизнинг ҳуқуқий пойдевори - бир қатор қонунлар яратилди. Асосий Қомусимиз - Конституциямизда Қуролли Кучларни ташкил этишдан мақсад, унинг асосий вазифаси нимадан иборат эканлиги аниқ белгилаб қўйилди.

Округлар - Қуролли Кучларимизга раҳбарлик қилиш, бошқаришнинг янгича ёндошуви. Қуролли Кучларимиз таркибида ҳар қандай шароитда жанг олиб боришга қодир махсус отрядлар пайдо бўлди. Армия замонавий қурол-яроғи, жанговар техникаси билан кучли дейдиган бўлсак, масалага бир ёқлама ёндошган бўламиз. Армия шахсий таркиби билан ҳам кучли.

Тўғрисини айтадиган бўлсак, бугун мустақил Ўзбекистоннинг ҳимоячиси - ҳарбийси бўлиш осон иш эмас ва ҳамманинг қўлидан келавермайди. Гапни оддий аскарликдан бошлайлик. Бугун қайси ота-она ўз ўғлининг аскар бўлишини хоҳламайди дейсиз. Чақирув пунктларига чақирилувчилардан кўра ота-оналарнинг серқатнов бўлиб қолишгани бежизга эмас. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг кузги чақирув тўғрисидаги қарори ва бу борадаги Мудофаа вазирининг буйруғи матбуотда эълон қилингач, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари янада гавжумлашди. Ҳар бир ота-онанинг кўнглида «ишқилиб, ўғлим армияга олинсин-да» деган илинж бор. Бунинг сабаби битта: армия бугун том маънода ҳаёт мактабига айланган.

Муддатли ҳарбий хизматнинг муддати бир йил. Бу вақт хизмат қилувчига ҳам, ота-онага ҳам жуда маъқул. Олий маълумотлилар эса бор-йўғи тўққиз ой хизмат қилишади. Ана шу вақт ичида аскар ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам жисмоний жиҳатдан роса пишади. Етарли даражада ҳарб илмидан сабоқ олади. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ҳақиқий посбон бўлиб етишади.

- Аскар бўлишим олий ўқув юртига ўқишга киришдай бўлди, - дейди Охунбобоев туманидан хизматга чақирилган оддий аскар Жаҳонгир Эргашев. - Бир қатор синовлардан ўтишимга тўғри келди. Керакли балл тўплай олганим учун ҳам устимга аскарлик либосини кийдим. Қийинчиликлар йўқ десам, ёлғон гапирган бўламан. Ўзингиз айтинг, қийинчиликлар олдида бўйин эгган йигит йигитми?! Шарт-шароит ҳақида гапирадиган бўлсам, ётоқхонамиз уйимиздай гап. Ёруғ ва тоза, ёзда салқин, қишда иссиқ. Яп-янги телевизор, видеомагнитофон бор. Бўш пайтимиз мириқиб томоша қиламиз.

- Уйда ҳам бундай кўп китоб ўқимасдим, - дейди Пайариқ туманидан хизматга чақирилган оддий Аскар Мансур Туропов. - Қисмимиз кутубхонаси китобларга бой. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асарларини ва бошқа китобларни ўқиб чиқдим.

- Хизматимни бошлаганимдан буён уйга ва ўртоқларимга тез-тез хат ёзиб турибман, - суҳбатга қўшилади оддий аскар Хусниддин Мусаев. - Синфдошим Аҳмаджон бир хатида спорт билан шуғулланаётганим тўғрисида қизиқибди. Мен ажойиб стадионимиз, спорт залимиз борлиги, яқинда бўлиб ўтган «Умумармия ўйинлари» спорт мусобақаларининг биринчи босқичида иштирок этганлигим тўғрисида ёзиб юбордим.

Бугунги армиямиз аскарининг қайси бири билан суҳбатлашманг, ҳарбий ҳаётда бўлаётган ўзгаришлардан беҳад мамнунлигини ҳис этасиз. Миллий армиямизда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар энг сара йигитлар. Улар жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам етук ўғлонлар. Билаги кучга тўлган, дунёқараши кенг, билимдон, зеҳни ўткир, ҳушёр ва серғайрат. Сўз бердими, устидан чиқади. Бир-бирига дўст, меҳрибон. Бундай шароитда муҳит соғлом бўлади-да. Соғлом муҳит бор жойда, қонунбузарлик, низомга зид хатти-ҳаракатлар бўлмайди. Интизом борасида эришилаётган ютуқларнинг омили ана шунда.

Шарт-шароит масаласига келадиган бўлсак, гапни аскарларнинг ётоқхонасидан бошлай қолайлик. Аскар ётоқхонаси меҳмонхонага ҳам ўхшаб кетади, десак гапимизни муболағага йўйманг. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳамма нарса муҳайё. Уларнинг сифатли овқатланиши доимий эътиборда, назоратда. Ҳар куни белгиланган таомни ўз вақтида истеъмол қилади. Бунинг учун ажойиб ошхона мавжуд. Қўли ширин ошпазлар кечаю-кундуз хизматда. Овқат тайёрлашда узилишларга йўл қўйилмайди.

- Хизматни энди бошлаган чоғимда вазним олтмиш икки эди, ҳозир олтмиш саккиз килограмман, - дейди оддий аскар Ҳусанбой Қирғизов. - Маошимизни олишда бирор марта ҳам кечикиш юз берган эмас. Керагича эҳтиёжимга сарфлаб, қолганини банкка қўйяпман. Хизматдан анча-мунча маблағ билан қайтаман. Бошқа сафдош дўстларим ҳам шундай қилишяпти.

Аскар бўш вақтини қандай ўтказиши ҳам муҳим масала. Дам олиш кунлари уларнинг ёнида тарбиячи офицерлар бўлишади. Турли хил учрашувлар, суҳбатлар уюштирилади. Китобхонлик учун махсус соатлар ажратилган. Спорт мусобақалари ҳам авжига чиқади.

Муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли якунлаган йигитда ҳарбий хизматни давом эттириш истаги туғилса, у учун сержантлар тайёрлаш мактабининг эшиги очиқ. Қуролли Кучларимиз учун кичик командирлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ, бу ерда ўқийман деганларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Боиси, шартнома бўйича хизмат қилиш шарафли ишга айланди.

- Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги арафасида, - дейди фахр билан шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Паҳлавон Абдуллаев, - Президентимизнинг Фармони билан мукофотланганлар орасида мен ҳам борман. Мен «Жасорат» медалига муносиб кўрилдим. Бу мени жудаям тўлқинлантириб юборди.

- Мен авиация соҳасида хизмат қилаяпман, - дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Зокир Ҳасанов. - Мураккаб соҳа. Ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Бироқ жуда қизиқарли. Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан мукофотландим.

Тан олиш керак, бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида шартнома бўйича хизмат қилиш нуфузли ишга айланмоқда. Зеро, юрагида ўти бор ўғлонлар ҳарбий бўлади.

**Абдураззоқ ОБРЎЕВ,**
**подполковник, ҳарбий мухбир**

## ЗАҲИРАДАГИ ҲАРБИЙ

### иш билан таъминланди

Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, подполковник Зокир Ҳусанов биз билан суҳбатда Қуролли Кучлар сафидан заҳирага бўшатилаётганларнинг бандлик масаласи муҳим эътиборда эканлигидан сўз очди.

Маълумки, шу кунларда аскар резервга бўшайди, уйига, ота-онаси бағрига боради. Дейлик, бир ҳафта, ўн кун яқинлари билан дийдорлашади. Хўш, кейин-чи? Армия мактабида тобланиб, тоғни талқон қилишга шай бўлиб келган йигит кўча чангитиб юрмас, ахир. Ватанига, халқига фойдаси тегиши учун бирон-бир ишга жойлашиши, бирон касбнинг «этаги»дан ушлаши лозим. Тўғри, армиягача бирон корхона, ташкилотда, давлат муассасасида ишлаган бўлиши ҳам мумкин. Бундайлар касбини давом эттираверади. Аммо қолганлар кучига, билимига яраша иш топиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорларида айнан шу саволларга ҳам жавоб бор. Яъни, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига резервга бўшаган фуқароларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш борасида тегишли кўрсатмалар берилган. Аввало, бу муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузини янада оширди. Қолаверса, ҳаёт мактабида тобланган ўғлонларимиздан Ватан равнақи йўлида самарали фойдаланишга имкон яратди. Зеро, армия мактабини кўрган ҳар томонлама баркамол йигит ишга, касбга бошқача ёндашади. Юрт, халқ манфаатини бошқа нарсалардан устун қўяди. Бу эса жамиятга катта фойда беради.

Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 21 сентябрдаги қарорини бажариш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг жорий йил 28 сентябрдаги буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисидаги буйруғи билан танишамиз. Унда, жумладан, Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган ва сафарбарлик чақируви резервига олинган йигитларнинг уйига бориш, банд бўлмаганларни иш билан таъминлаш, мардлик ва ватанпарварлик тарбиясининг армия мактабини ўтаган, ҳарбийда ҳаётий тажриба орттирган, мамлакатнинг энг фаол ва тайёргарлик кўрган кадрлар заҳираси ҳисобланганлигидан келиб чиқиб, давлат муассасалари, корхоналари, ташкилотларига ишга жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш борасида алоҳида банд бор. Энди буйруқ иловаларига назар ташласак. Уларда амалга ошириладиган тадбирлар, бажариш муддати, масъул шахслар аниқ кўрсатилган. Эътиборимизни тортган айрим жиҳатларга тўхталсак. Масалан, буйруқ иловасида оилавий бизнес йўналишида ўз фаолиятини бошлашни истовчиларга тижорат банкларида очилган кредит линиялари орқали микрокредитлар олишга кўмаклашиш, мунтазам равишда бўш иш ўринлари ярмаркаларига жалб этиш, бандлик ёки турли курсларда ўқитилаётганлик тўғрисидаги маълумотларга доимо эга бўлиш, ҳатто Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик билан биргаликда уларнинг хорижда ишлаб келишларига кўмаклашиш борасида сўз боради. Хуллас, қилиниши лозим бўлган ишлар билан танишиб, резервга бўшаганлар ва сафарбарлик чақируви резервига олинганлар бандлигига вилоятда эътибор катта эканлигига амин бўлдик.

2004 йил баҳорида резервга бўшатилган фуқаролар октябр ойигача 91 фоизга яқини иш билан таъминланган. Биз юқорида тилга олган буйруқ иловасида баҳорда Қуролли Кучлардан бўшатилганларнинг бандлигини октябр ойида тўлиқ ниҳоясига етказиш борасида айтилади. Маълумотлар бунинг фақат қоғозда эмас, амалда ҳам ижро этилаётганини кўрсатиб турибди. Тилга олинган 91 фоизнинг 40 фоизини мустақил равишда ишга жойлашганлар, 40 фоизга яқинини ўзини ўзи иш билан таъминлаганлар, 11 фоизини эса меҳнат бўлимлари томонидан ишга жойлаштирилганлар ташкил этаяпти. Хўш, қолган 9 фоизининг тақдири не кечаяпти?

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, 2,4 фоиз ишлашни хоҳламаганлар, 2 фоиз иш билан банд бўлмаганлар, 1,3 фоиз доимий яшаш жойидан кўчиб кетганларни ташкил этади. Қолган 3,3 фоизи эса ижтимоий ҳимояга олинган. Яъни, касбга ўқитилган, жамоат ишларига юборилган, ишсизлик нафақаси тайинланган. Резервга бўшатилганлар миқдори бўйича Ғаллаорол тумани етакчи ўринларда. Демак, бу ерда бандлик масаласи жиддий эътиборни талаб этиши, шубҳасиз. Қувонарлиси шундаки, туманда октябр ойигача резервга бўшатилганларнинг 96 фоизга яқини иш билан таъминланган. Жиззах туманида бу кўрсаткич 89 фоизга тенг. Мирзачўл, Пахтакор туманлари, Жиззах шаҳрида ҳам натижалар юқори. Бандлик масаласида энг орқадаги туманларда ҳам кўрсаткич 88-89 фоизга етади. Биламиз, Жиззах аграр вилоятлардан. Бошқарманинг меҳнат бозори, аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, уларни назорат қилиш ва касбга ўқитиш бўлими бош мутахассиси Акбар Файзиев бу борада қуйидагича фикр юритади:

— Аввало резервга бўшатилганларнинг ҳар бирининг уйига бориб, уларнинг бандлиги билан танишамиз. Сўнг ташкилот, муассасалардаги бўш ўринларни аниқлаб қандай мутахассисликка эҳтиёжи борлигини ўрганамиз. Ундан сўнг ўша ташкилот билан шартнома тузамиз. Масалан, Бахмал туманида резервга бўшатилганлардан айримларини касбга ўқитдик. Бунда уларга стипендия таъсис этиш, ётоқ билан таъминлаш, таълим харажатлари кабилар биз томонимиздан қопланди.

Маълумотномадаги «ишлашни хоҳламаганлар» деган пунктни ойдинлаштиришга ҳаракат қилдик. Маълум бўлишича, маоши кам бўлган, ўз вақтида иш ҳақи берилмайдиган, соғлиғи, оилавий шароити тўғри келмайдиган сабаблар ишлашни хоҳламасликка олиб келган. Ушбу ҳолатда меҳнат бўлими вакилига фуқаро бу ҳақда ёзма равишда тушунтириш беради.

Яқинда Жиззах шаҳридаги 29-сон меҳрибонлик уйи раҳбари бош бошқармага собиқ тарбияланувчи, резервга бўшаган фуқаро Яков Кудрясовни иш билан таъминлаш масаласида мурожаат этганида тез орада Жиззах шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан фуқаронинг муаммоси ҳал этилди. Бугунги кунда Кудрясов шаҳардаги Олимпия заҳиралари коллежида дурадгор.

Баҳорда резервга бўшаган Камол Норматов иш излаб, узоқ сарсон бўлгани йўқ. Меҳнат бўлими бу йигитни Жиззахдаги ун заводига ишга жойлаштирди. Ёки Дилмурод Имомқуловни олайлик. Муддатли ҳарбий хизматгача ҳайдовчилик касбини эгаллаган. Армияда ҳам мазкур мутахассислиги бўйича хизмат қилган. Бугун у меҳнат бўлими ёрдами билан ҳайдовчи бўлиб ишга жойлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, нафақат Қуролли Кучлар сафидан резервга бўшатилганлар, балки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олинганлар бандлигига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

**Алижон САФАРОВ**
**майор**

## СЕРЖАНТЛАР МАКТАБИ

***Бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ислоҳ этилиш масаласи устувор йўналиш ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек, умумҳарбий қоидаларни янада такомиллаштириш, қўшин турларининг ўзаро ҳамкорлигини ошириш, армиямизнинг ўзаги бўлган сержантларни тайёрлаш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.***

Айни пайтда сержантлар тайёрлаш мактаблари замон талабларига мос жиҳозланиб, уларнинг касб малакасини ошириш ҳамда такомиллаштириш учун зарур барча шароитлар яратилган. Уларнинг оила аъзолари учун эса турар жой, маиший ва ижтимоий-маданий шароитларини яхшилаш инфратузилмаси ривожланиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида сержантлар тайёрлаш мактабларини кўплаб ҳарбий хизматчиларимиз битириб чиқди. Улар бугунги кунда Қуролли кучларимизнинг қисм ва бўлинмаларида хизматларини аъло даражада ўтаб келишмоқда. Сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқишга юбориладиган номзодларни танлаш сифатини янада яхшилаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқиш учун номзодларни танлаш тузилишини ва у ердаги ўқув жараёнини янада такомиллаштириш чоралари ҳақида» буйруқ чиқарилди. Мазкур буйруққа асосан, номзодлар дастлаб 15 кунлик ўқув йиғинларга жалб қилиниб, кейин танлов асосида сержантлар тайёрлаш мактабига юбориладиган бўлди.

Жамиятимизда мавжуд руҳий-ахлоқий тарбия ўзбек халқининг олижаноб хислатлари, асрлар оша сайқалланган анъаналари ҳарбий ёшларимиз руҳий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришда бош омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ш.ТОЛМАСОВ,**
**майор**

## МАРДЛАР ОМОН БЎЛСА...

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Нўъмонжон Воҳидов ҳарбийликни ўзи учун ифтихор деб биладиган довюрак ўғлонлардан. Айни пайтда у майор А.Саидов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда секция бошлиғи вазифасида хизмат қилмоқда.

– Ҳар гал нишонни мўлжалга олаётганимда, – дейди Нўъмонжон, мени таниган, билган барча яқинларим кузатиб туришгандай, «Дадилроқ бўл» дея далда беришаётгандай бўлаверади. Нишондаги предметлар гарчи шартли душман бўлса-да, чинакам жанговар шайликка кўникмамиз мустаҳкам бўлиши керак. Шунинг учун ҳам «хавф-хатарга тик боришдан асло чўчимайман», дея бемалол айта оламан. Ўйлайманки, ушбу туйғу ҳар бир жангчи қалбидан мустаҳкам жой олган.

Бурчга садоқат туйғуларини самимий сўзларида баён этаётган Нўъмонжон Косонсой туманида ишчи оиласида туғилган. Ҳарбий бўлишига истак ёшлик чоғларида пайдо бўлган эди. Аста-секин бу иштиёққа айланди.

– Ҳарбийликни танлаганимдан жуда мамнунман, – дейди у. – Бу ерда йигитларимиз учун зарур барча имконият ва шароитлар етарли. Жанговар тайёргарлик, дала машғулотлари, техника, қурол-яроғ билан ишлаш, спорт, ижтимоий-сиёсий билимлар... Хуллас, ҳар қайси жабҳада ҳеч кимдан кам эмасмиз.

Посбон йигит ҳақ гапларни гапираётган эди. Чунки юртимизнинг баркамол йигитлари, мардлари омон бўлса, осойишталигимизни ҳеч ким буза олмайди.

**Ё.ҲАКИМОВ,**
**лейтенант**

## КУЛОЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида Ашурали Йўлдошев ва Кимсанбой Ғанижоновларнинг шахсий кўргазмалари очилди.

Санъаткор иқтидори янгилик ярата олиши билан белгиланади. Риштон ҳунармандлари кулолчилик санъатининг йўқолиб бораётган нодир шаклларини қайта тиклаб, уларга замонавий руҳ бағишлаб келмоқда. Эркин нақш ёзуви, гуллар безаги ва ранглар уйғунлиги Риштон кулолчилигини бошқа ҳуранмандчилик намуналаридан ажратиб туради.

Кўргазмага қўйилган кулолчилик асарлари ҳунармандларнинг шакл яратиш, нақш яратиш ва рангларни тўғри танлай олиш қобилиятини яна бир бор намойиш этди.

**"Туркистон-пресс"**



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



*Дил изҳори*

***Елезавета Аҳмедова Ҳаққулобод шаҳрида яшайди. Қош қораймасдан сал олдин унинг ҳовлисига Усмон Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тошпўлат Худойберганов кириб келди.***

## ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН



– Орзуларингиз ушаладиган бўлди, Лиза опа, – деди у. – Германияга боришингизга виза келди. Сафар тадоригини кўраверинг.

Елезавета Геранимовнанинг нурсиз кўзлари чақнади. Бироздан кейин шашқатор ёшлари оқди. Олтмиш йилдан ортиқ дийдор кўришмаган синглиси билан учрашишини ўйлаб бутун вужудини ҳаяжон чулғади.

Бремерхавер шаҳрида уни синглиси Аделина Блингер қучоқ очиб кутиб олди. Опа-сингил узоқ суҳбатлашишди, ораларига айрилиқ солган урушни лаънатладилар. Аделина хоним опасидан бошидан ўтган воқеаларни сўзлаб беришни сўради.

Осмон тўла юлдузларга термулиб, Елезавета опа ҳаёти давомида босиб ўтган изларига назар солди.

– 1932 йилда Украинанинг Николаев вилоятидаги немислар яшайдиган Шанфельд қишлоғида туғилган эканман. Урушда фашистлар қишлоғимизни босиб олиб, бизни Польшага ҳайдаб кетишди. Рус аскарлари Польшани озод қилишгач, оиламизни Комига сургун қилишди. Онам ўлганди. Отам Варя исмли немис аёлига уйланган, у бизга ўз боласидай қаради. Отам қазо қилгач, биз Ухтинский туманидаги «Девятка» деган жойда яшадик.

– Аделина, сени Германияга олиб кетишгани кечагидай эсимда, - дея ҳикоясини давом эттирди Лиза опа, – Эсингдами, қишлоғимиз икки ўт орасида қолганди. Уйимиз ёнидаги буғдойзорнинг бир тарафида фашистлар, бир тарафида рус аскарлари жанг қиларди. Ўшанда сени йўқотиб қўйгандим. Мен 13 ёшли қизалоқ эдим. Бир куни буғдойзорга боқсам, уч-тўрт рус аскарлари инграб чуқурликда ётибди. Бирининг кўзи менга тушиб, мажолсиз «сув» деди. Дарҳол уйга кириб, сут, сув олиб чиқиб, эмаклаб бориб уларга бердим. Бир неча кунгача ғира-ширада ярадорларга сув, нон ташиб турдим. Бир аскарнинг аҳволи оғир экан. Отам тунда уни уйга олиб келди. Яраларини боғлади, қорнини тўйдириб, ўз кийимларини кийгазди. Уч кундан кейин аскар ўзига келди, отам уни сўқмоқ йўл билан рус аскарлари турган истеҳкомга жўнатиб қайтди. Кейин улар ортга чекинди. Бизни бадарға қилишди...

Сибирнинг «Девятка»сида ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқимиз йўқ эди, синглим. Ҳар ойда қочиб кетмаслик, ички тартибга риоя қилиш ҳақида НКВД ходимлари қўл қўйдириб олишарди. Бу ерга фашистларга асир тушганлар ҳам келтирилганди. Бир куни буғдойранг, қора кўз бир йигит билан танишиб қолдим. Юлдузимиз юлдузимизга тўғри келиб қолди. Ўзини Турдиали Аҳмедов деб таништирган бу йигит билан турмуш қурдик. У ҳам асирдан озод қилингач, бу ерга сургун қилинган ва жазо муддатини ўтаётган экан. 1955 йилда рухсат тегиб, Ҳаққулободга келдик. 1956 йилдан 1985 йилгача «Норин-Тола» ҳиссадорлик жамиятида той тикувчи, юкчи, линтер цехи ишчиси бўлиб меҳнат қилдим. Бир ўғил, тўрт қизим бор. Худога шукур, Ўзбекистонимиз мустақиллиги шарофати билан Германияга келдим...

Елезавета опа Германиядан қайтгач, уйи қўни-қўшни, фарзандлари билан тўлиб кетди. Ҳаммага у ерда кўрган-билганлари, синглиси, одамлар турмуш тарзи ҳақида сўзлаб берди.

– Ўзбекистондан ўргилай, – деди Елезавета Геранимовна, - халқимиздаги меҳр-оқибат, меҳмондўстликка ҳеч нарса етмас экан. Бизда қўни-қўшни, маҳалла-кўйчилик, одамгарчилик нақадар теран томир отган. Ўзбекка хос юксак қадриятлардан қалбим ифтихорга тўлди.

Яқинда Усмон Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тошпўлат Худойберганов билан ҳаққулободлик немис аёли яшайдиган хонадонда бўлдик. Онахонни кўргани Наманган шаҳрида яшовчи қизи Хадича ўғли Анвар билан келган экан. Фарзандлари қуршовида давра қурган Елезавета опанинг юзларида табассум жилва қиларди.

**З.ЮСУПОВ**

## «ТОВОҚСОЙ» СИҲАТГОҲИДА

Қаерда соғлиғимни тикласам экан деб бошим қотиб юрганда бир танишим Бўстонлиқ туманидаги «Товоқсой» сиҳатгоҳини таърифлаб қолди. Унинг тавсиясига кўра бу ерга келганимда мақтовлар бекорга эмаслигига амин бўлдим. Сиҳатгоҳда даволанувчилар учун барча шароит муҳайё. Айниқса, шифокору ҳамшираларнинг хушмуомалалигини айтмайсизми?!

Хушманзара маскан раҳбарларининг биз, кексалар кўнглини кўтариш мақсадида тиниб-тинчимай концертлар, томошалар уюштираётганидан беҳад мамнунмиз. Яқинда Аброр Ҳидоятов номидаги драма театри жамоаси ҳамда Муножот Тешабоева, Матёқуб Матжонов, Жумадулла Раметов каби таниқли санъаткорлар сиҳатгоҳга ташриф буюриб, ўз ашула ва саҳна томошалари билан қалбимизга бир олам завқ улашишди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Абдуллаев бошчилигидаги «Шош наволари» гуруҳи ҳамда истеъдодли хонанда Абдуллажон Турғунов тез-тез ҳузуримизда бўладилар.

Бизга кўрсатаётган бундай меҳрибонликлари учун сиҳатгоҳ маъмурияти, Тошкент вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Даволаниш маскани ходимлари кишиларга шифо улашишдек савобли ишдан ҳеч вақт толишмасин.

**С.ЗИЁДУЛЛАЕВ,**
**Нарпай тумани**



*Саломатлик сабоқлари*

***Милк, ошқозон-ичак бўлса қонталаш,***
***Пўстим қайнатмаси эрур шифобахш.***
***Қон қусгич, гижжали, ичбуруғ бемор,***
***Дардига энг яхши ўзим доривор.***
***Кимни йўтал, лавша, дарди истисқо***
***Пўстлоғ, шарбатимдан топгайдир шифо.***

## АНОР ХОСИЯТИ

Ушбу сатрларда битилганидек, анор қадим замонлардан бери табобатда турли касалликларни даволашда ишлатилиб келинган. Халқда: «Анорнинг ичида қанча донаси бўлса, шунча хасталикка даво», деган нақл бекорга айтилмаган. Анор таркибида иштаҳа очувчи, овқатни ҳазм қилишда ижобий таъсир этувчи органик кислоталар (лимон кислотаси, олма кислотаси), қанд моддаси (фруктоза, глюкоза, сахароза), витаминлар (витамин C, B1, B2), шунингдек, алкалоидлар, смола, бетулин кислотаси, ошловчи, бўёқ ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино анор пўсти қайнатмаси билан қон тупуриш, милк қонаши ва меъда касалликларини даволаган. Шунингдек, яраларни ювиш, тишни мустаҳкамлаш мақсадида оғизни чайиш учун ҳамда гижжани, сийдикни ҳайдовчи восита сифатида қўллаган. Чунончи, қадимги Юнон табобатида нордон анор безгак хуружига таскин берувчи, меъда яллиғланишини тузатувчи ҳисобланган.

Анорнинг шарбати зангила (лавша, цинга) касаллигининг олдини олиш ва даволаш учун ишлатилади. У иштаҳани очувчи неъмат ҳамдир. Илмий тиббиётда анорнинг илдизидан тайёрланадиган экстракт, шунингдек анор пўстлоғи таркибидаги пельтерининг танин ва сульфат кислотаси билан умумлашмаси (пельтеринсульфат) тасмасимон гижжаларни туширишда ишлатилиши таъкидланади.

* * *

Анор пўстидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган чинни ёки сирланган идишга 300 грамм миқдорда сув қуйиб, устига майдаланган анор пўстидан бир чой қошиқ солиб 10 - 15 дақиқа давомида паст оловда 200 грамм қолгунча қайнатилади. Кейин 2 соат давомида тиндирилиб, сузиб олинади. Қайнатмадан кунига уч маҳал бир ош қошиқда овқатдан олдин ичилади. Ундан оғиз бўшлиғини чайишда ҳам фойдаланиш мумкин.

* * *

Ширин анор илдизидан шарбат тайёрлаш учун унинг 20 мисқолига тўрт коса сув солиб бир коса қолгунча қайнатилади ва сузилади. Олдин ярим мисқол қанд еб, устидан шу қайнатма ичилади, бошқа ҳеч нарса емасдан бироз юрилади, шунда қовоқ уруғсимон гижжаларни туширади.

* * *

Олимларнинг таъкидлашича, анор, олма, беҳи, лимон, отқулоқ, ошқовоқ, нилуфар ва кашнични тенг миқдорда аралаштириб, қайнатилиб, унинг қуюқ шарбатига асал қўшиб истеъмол қилинса сафро қусиш, кўнгил беҳузур бўлиш (айниш), тинка қуриш каби хасталикларга шифо бўлади.

* * *

Анорнинг уруғи асал билан бирга тиш, бурун ва оғиз оғриғига суртилса кони фойда.

* * *

Анорнинг ҳамма турлари хафақонга фойда қилади ва ширини кўнгилни очади.

* * *

Сурункали қабзият ва бавосир хасталиги бор кишилар анорни кам истеъмол қилишлари керак.

* * *

Анор шарбати иштаҳа очади, овқат ҳазмини осонлаштиради, тумов, грипп, зотилжам каби хасталикларда ижобий натижа бериб, ҳароратнинг пасайишига мойиллик яратади.

* * *

Анорни кўп истеъмол қилиш ошқозонни заифлаштириб, ундаги овқатнинг бузилишига сабаб бўлади.

* * *

Нордон анор кўкрак ва томоқни дағаллаштиради, ширини эса юмшатиб, қувватлантиради.

* * *

Сариқ хасталигида жигарни кучайтиришда, юрак, талоқ каби касалликларни даволашда анор бебаҳо дори ҳисобланади.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**
**доцент**

*Ўқиб, қўшнингизга беринг*

***Уйга қайтаётган мактаб ўқувчилари эрмак учун гаражлар орасида тўпланиб қолган хазонларни ёқиб юбордилар. Қуриган барглар гуриллаб ёниб, гараж ичига ҳам олов ўтиб кетди. Воқеанинг бундай тус олишидан қўрқиб кетган болалар бу жойдан тезда ғойиб бўлишди. Натижада автомашина ёниб кетди...***

## ХАЗОН ЁҚИБ, АТТАНГ ДЕБ ҚОЛМАНГ

Фасллар орасида олтин кузнинг ўрни ўзгача. Совуқ кунлар бошланиши арафасида куз ўзининг тиллақизғиш япроқлари билан табиатга чирой бағишлайди. Ногоҳ эсган шамол эса уларни шохлардан чирт-чирт узиб, ерга тўшайди. Гиламдек ёйилган барглар устида сайр қилиш кўнгилда ёқимли ҳис уйғотади.

Аммо, минг афсуски, баъзи-баъзида ана шу гўзалликка доғ туширадиган ишлар ҳам оёқ остидан чиқиб қолади. Эрта тонгда фаррошлар кўча ва хиёбонларда хазонларни супуриб, тўда қилиб уйиб қўядилар. Ҳар кунги хазонлар тўпланиб, хунук манзара ҳосил бўлади.

Қуёш нурида қуриб-қовжираган барглар тез алангаланувчан бўлади. Шундай ҳолатларда кимларнингдир эътиборсизлиги, лоқайдлиги ёки бўлмаса болаларнинг шўхликлари сабаб бўлиб чиқиндилар ёқиб юборилади. Устки қисми ёниб тугаган хўл баргларнинг аччиқ тутуни теварак-атрофга тарқалади. Олов ва тутун атроф-муҳитга катта зарар келтираётганлигини барчамиз билсак-да, «бу менинг ишим эмас» тарзида иш тутамиз. Бу эса юқоридаги каби аянчли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Ўтган йили пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги «Махсустранс» майдонида хазон ва ахлатнинг ёниб кетиши оқибатида қўшни жойлашган 4-уйнинг 4 та хонадони ёниб кулга айланди.

Мактаб ва боғчалар майдонларида ҳам бурқсиб ёнаётган хазонлар дарс жараёнига халал бермоқда. Бу ҳақда Шайхонтоҳур туманидаги 21-оилавий поликлиника болалар шифокори Мавжуда Саматова куюниб шундай дейди:

– Кўпинча қуюқ хазон ҳиди бизга мурожаат қилаётган беморлар сонининг ортишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, астма касали бор хасталарга тутун салбий таъсир этади. Яхшиси, хазонлар шаҳардан ташқаридаги махсус жойларга кўмилгани мақсадга мувофиқ. Ота-оналар ҳам ўз фарзандларига ҳамиша ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, олов билан ўйнамасликлари ва унинг оқибати аянчли эканлигини тушунтириб борсалар, фалокатларнинг олди олинарди.

Дарҳақиқат, болалар тарбиясига, уларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга ҳеч вақт беэътибор қарамаслик керак. Бунинг учун эса ҳар биримиздан офатга нисбатан ҳушёр бўлмоқлик талаб қилинади.

**Равшан ЖЎРАЕВ,**
**Миробод туман ИИБ ЁХБ катта инспектори, ички хизмат майори**

*Овчи ҳикоялари*

## ЎЧ

Осмонўпар Нарвон ва Қўйтош тоғларининг ҳар бир қаричи мерган овчи Пирим амакига таниш ва қадрдон. Одам юриб бўлмайдиган тепалик ҳамда баҳайбат харсанг тошлар оралиғини турли қуш ва йиртқич жонзотлар макон қилишган. Тоғлар қўйнида писта, дўлана, бодом каби ёввойи мевали дарахтлар, чангалзор ва беҳисоб доривор гиёҳлар ястаниб ётибди. Баҳор борлиққа ўз сепини ёйганда чор-атроф яшнаб, ўзгача кўркамлик бағишлайди. Ана шу тоғлар этагида Пирим амакининг кичкина уйчаси жойлашган.

Май ойининг бошлари эди. Кутилмаганда бир оқшом ҳовлида боғлиқ турган байтал қулунини қандайдир йиртқич нимталаб, овчини доғда қолдириб кетди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас қўтондаги майда шохли молларнинг ҳам тинчи йўқолди. Беш-олтита қўй жонивор бўғизланган, бири дом-дараксиз йўқолган эди. Кейин эса номаълум йиртқичлар ҳовлидаги бошқа молларга ҳам тажовуз қила бошлашди.

Овчи аламини нимадан олишни билолмай боши қотди. Қизиқ, шу вақтгача бирор жонзот унинг ҳовлисига яқин йўламаган эди. Ўйлай-ўйлай охири қафас сим тўрдаги бўри боласи овчи хаёлидан ўтдию, калаванинг учи топилгандай бўлди.

Бу воқеа бундан роппа-роса икки ҳафта илгари бўлган эди. Пирим амаки навбатдаги ов тадоригини кўраётганида ўғли Ҳасан ҳам хирапашша бўлиб бирга боришга ёлвориб туриб олди. Кўнгилчан ота рози бўлди.

Эртаси куни тонг ёришар-ёришмас улар керакли анжомлари билан йўлга чиқишди. Ҳасан бир йўла қайрағочдан йўнилган қўлбола айри таёқни кўтарганича орқада борарди. Ота ва ўғил баландликка кўтарилган сайин майсаларнинг майин шитирлаши ва булоқ сувларининг тошдан-тошга оқиб шилдирашлари завқ бағишларди. Улар тоғ чўққисига яқинлашганларида қуёш осмонга тик кўтарилган эди.

Кутилмаганда ота ва ўғил катта харсанг тош ёнидаги супачада бир неча бўри болаларининг сакраб, ирғишлаб юрганликларининг устидан чиқишди. Чамаси, бир ойлик ҳам бўлмаган мурғак жониворлар бегоналарни кўриб, бута ва шох-шаббалар орасига яширинди. Ҳасан эпчиллик қилиб айри таёқ ёрдамида бўри болаларининг бирини бўйнидан маҳкам босганича тутиб олиб қопга жойлади. У шу кўйи жонивор билан андормон бўлиб отасининг оёғига «тушов» бўлди. Ов ҳам бароридан келмади.

Ҳасан шу кеч ҳориб-чарчаганига қарамай тўр симдан жониворга чоққина жой ҳозирлади ва парваришлай бошлади. Йиртқич боласи уй шароитига ҳадеганда кўникавермас, кечалари алламаҳалгача увлаб безовталанарди. Нарвон чўққисида ҳам бўриларнинг увлаши гоҳо-гоҳо эшитилиб турарди. Кейинги кунларда юз берган воқеалар зийрак овчини ҳушёр торттирди. У қафас ичидаги жониворни дарҳол ўз жойига элтиб қўйишга жазм этди.

Шу-шу, Пирим амакининг уйи яқинига ҳеч бир жонзот йўламас, ҳовлидаги молларга ҳам озор етмас, йилдан-йил уларнинг туёқ сони кўпайгандан-кўпайиб, ҳовлида худди аввалгидек осойишталик ва хотиржамлик ҳукм сура бошлади.

**Абдулла САИДОВ**

## ЭНГ КАТТА КАРТОШКА

Иордания билан Саудия Арабистони ўртасидаги экин майдонида дунё бўйича энг катта картошка етиштирилди. Унинг оғирлиги 13,6 килограмм бўлиб, Гиннеснинг рекордлар китобига қайд эттириш учун самолётда Лондонга олиб келинди.

Илгариги рекордни бундан 40 йил бурун ўрнатилганди. Англияда етиштирилган ушбу картошканинг оғирлиги 10,4 килограмм эди.

## АРЗОН ДОРИ

*Биласизми?*

Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, ҳар бир киши кунига 50-80 миллиграмм аскорбин кислота истеъмол қилиши лозим.

Кенг тарқалган бу дармондорини илк бор соф ҳолда ажратиб олганлиги уун асли венгер америкалик биокимёгар Альберт Сент-Дьердьига 1937 йилда халқаро Нобель мукофоти берилган эди. Шу кашфиётдан 10 йил муқаддам дармондорининг вужудга таъсири сабабини аниқлаган инглиз биокимёгари Фредерик Хопкинс ва нидерланд олими Христииан Эйкман ҳам Нобель мукофотини олишган.

Ниҳоят 1948 йилда аскорбин кислотани саноат миқёсида олиш технологиясини яратганлиги учун олим Рихтейн ҳам шу олий мукофотга сазовор бўлди. Аскорбин кислота дори-дармонлар ичида энг арзонидир. Чунки у нисбатан арзон хомашё - глюкоза асосида содда усулда тайёрланади.

Ундан олинган кўп препаратлар сариқ, қанд, юрак, камқонлик, ошқозон яраси каби хасталикларни даволашда фойдаланилади. Шуниси ҳам борки, аскорбин кислотанинг катта миқдори асаб-мушак импульсларининг ўтиш тезлигини жуда сусайтириб, мушак чарчашига олиб келади.

**Сетора ШОМАҲМУДОВА**

## «МУЛОҚОТ» ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

*Обуна - 2005*

«Мулоқот» журналининг энг диққатга сазовор жиҳати шундаки, унда республикамизнинг фаол ва таниқли олимлари, мутахассислари билан биргаликда оддий замондошларимиз ҳам ўз фикрини, юрак сўзларини изҳор этишмоқда. Илк сонидан ҳурлик ва озодлик жарчиси сифатида майдонга келган бу нашр мустақилликни мустаҳкамлаш, миллат ва Ватан манфаатлари йўлида фидойилик билан иш юритди. Мустамлакачилик йиллари камситилган тарихимизни, улкан маънавиятимизни, қадриятларимизни, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилди ва ўз ўқувчиларини топди. Айниқса, «Муҳаррир минбари», «Тарихга назар», «Безовта ўйлар», «Нафосат чироғи», «Ислоҳот чорраҳаларида», «Янгилик билан учрашув», «Умри узун удумлар», «Савоб ва гуноҳ», «Мозийга сафар», «Мушоира» рукни остида эълон қилинган мақола ва шеърлар кўпларга манзур бўлаётир.

Журнал ёшларни маънавиятга, мустақил фикрлашга чорлаб келмоқда. Зеро, жамиятда яшаётган ҳар бир инсон фикр билан яшайди, уни амалга оширишга интилади. Бу ғоянинг, фикрнинг умумийлиги, шахсларни, миллатни, халқни бирлаштириш учун хизмат қилади.

2005 йилда чоп этилажак сонларда халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган мақолалар билан бирга инсонпарвар жамият ва баркамол шахс, ҳуқуқий мерос, маънавият ва мафкура, илм ва эътиқод, маърифат ва камолот ҳақида баҳс ҳамда мунозаралар эълон қилинади.

Журналда ҳар қачонгидек, ҳалол ва фидойи бўлиш, мамлакатда рўй бераётган бунёдкорлик, тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган, экстремизм ва халқаро терроризмни қораловчи мақолалар билан бирга умуминсоний қадриятлар ҳақида ҳам суҳбатлар ўқийсиз.

Халқимиз тарихи, унинг бой маданий мероси ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш асосида миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга, маънавий ва маърифий равнақига катта ҳисса қўшаётган «Мулоқот» журнали кўнглингизга нур, хонадонингизга файз, онгингизга зиё бахш этишига ишонамиз.

Агар Сиз журналга ўз вақтида обуна бўлсангиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ютасиз. Чунки журналнинг чакана савдодаги нархи обуначи оладиганидан анча қимматга тушади. Чинакам ўқувчи учун обуна энг қулай имконият.

**Нашр кўрсаткичимиз - 844.**

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ва Жиззах вилоят кенгаши Жиззах вилоят қўмитаси раиси Зохид Амоновга укаси **Жасур АМОНОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳамда Тошкент вилояти тармоқ қўмитаси Оққўрғон тумани касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳамза Қодировга волидаи муҳтарамаси **РУХСОРА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817

1 2 3 4 5